



# ТЕМИРҲО‘ЛЧИ

О‘ЗБЕКИСТОН ТЕМИРҲО‘ЛЧИЛАРИНИНГ ГАЗЕТАСИ

2026-йил • 15-январ • payshanba • № 2 (6582)

Темір ҳо‘ллар  
мамлакатимиз  
иқтисодийоти-  
нинг қон  
томиридир.

Gazeta 1933-yildan  
chiqa boshlagan

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТИ, ҚУРОЛЛИ КУЧЛАР ОЛИЙ БОШ ҚҲМОНДОНИ ШАВКАТ МИРЗИЁЕВ РАИСЛИГИДА 13 ЯНВАРЬ КУНИ ХАВФСИЗЛИК КЕНГАШНИНГ МАМЛАКАТИМИЗ ҲАРБІЙ ХАВФСИЗЛИГИ ВА МУДОФААСИНИ МУСТАҲКАМЛАШ МАСАЛАЛАРИ БЎЙИЧА КЕНГАЙТИРИЛГАН ЙИҒИЛИШИ БЎЛИБ ЎТДИ.

## МАМЛАКАТИМИЗ ҲАРБІЙ ХАВФСИЗЛИГИ ВА МУДОФААСИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президенти ҳузуридаги Хавфсизлик кенгаши, Вазирлар Маҳкамаси аъзолари, Қуролли Кучлар таркибига кирувчи вазирлик ва идоралар раҳбарлари, ҳарбий округлар қўмондонлари, ҳарбий-маъмурий секторлар раҳбарлари, бошқа идоралар ва жамоат ташкилотлари вакиллари иштирок этди.

Ўтган йилларда мамлакатимиз мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш бўйича салмоқли ишлар амалга оширилди.

Миллий армиямиз замонавий қурол-яроғ ва техника билан таъминланмоқда. Ҳарбий хизматчиларнинг жанговар ва маънавий-руҳий тайёргарлик даражаси изчил ошириб борилмоқда, мудофаа саноатининг салоҳияти мустаҳкамланмоқда.

Мудофаа вазирлиги қўшинларида янги тактик усуллар жорий этилиб, машғулотлар сони ва шиддати 1,5 баробарга оширилди, учувчисиз учиш аппаратлари бўлинмалари ва мутахассислар тайёрлаш марказлари ташкил этилди.

Армияни рақамлаштириш бўйича бошланган ишлар натижасида ахборот хавфсизлиги, бошқарув ва кўрсатилаётган хизматлар самарадорлиги сезиларли даражада ошди.

Давлатимиз раҳбари ташаббуси билан ҳарбий таълим тизими тубдан янгиланди, малакали профессор-ўқитувчи ва инструкторлардан иборат Ҳарбий хавфсизлик ва мудофаа университети ташкил этилди.

Таълим жараёнига ўқитишнинг илғор рақамли технологиялари, жумладан, сунъий интеллектга асосланган ва замонавий баҳолаш тизимлари жорий этилгани ҳарбий кадрлар тайёрлаш сифатини янги босқичга олиб чиқди.

Йиғилишда мамлакатимиз хавфсизлигини таъминлаш, мудофаа қобилиятини мустаҳкамлаш борасидаги устувор вазифалар муҳокама қилинди. Турли минтақавий можаролар кенгайиб, қуролланиш пойгаси авж олаётгани, умуминсоний қадриятларга ҳурмат, халқаро ҳуқуқ нормалари ва халқаро дипломатия заифлашиб бораётгани қайд этилди.

– Бир нарсани тушуниб олиш зарур. Замонавий уруш табиати тубдан ўзгарди. Энди қайси давлат фақат танк, самолёт ёки аскарлар сонига таяниб галаба қозонаман деса, қаттиқ адашади. Ҳозирги жанглар сунъий интеллект, рақамли бошқарув, узок масофага юқори аниқликда зарба берувчи воситалар, кибер ва робот технологиялар, сиёсий-иқтисодий босим асосида олиб борилмоқда, – деди давлатимиз раҳбари.

Шу боис, тинчлик ва хотиржамлик энг қиммат бойликка айланаётганини бир дақиқа ҳам унутмаслик лозимлиги таъкидланди. Бу бойлиқни асраб-авайлаш учун эса ҳар бир соҳа ва тармоқ хавф-хатарларга олдиндан жавоб қайтариш бўйича “проактив иш режими”га ўтиши шартлиги кўрсатиб ўтилди.

Олий Бош Қўмондон келгуси истиқболга мўлжалланган энг муҳим вазифаларни белгилаб берди.

Ҳарбий кадрлар тайёрлаш тизимини янада такомиллаштиришга устувор эътибор қаратилади.

– Шунинг унутмаслик керакки, ҳарбий таълим ва кадрлар тайёрлаш тизимини модернизация қилиш армиянинг янги қиёфасини шакллантиришнинг асосий шартидир, – деди Президент.

Муддатли ҳарбий хизмат – фақат жисмоний ва ҳарбий тайёргарлик эмас, балки ёшларимиз жамиятда мустаҳкам ўрнини топиши учун уларни меҳнат бозорига ва мустақил касбга тайёрлаш босқичи сифатида ташкил этилиши зарурлиги қайд этилди.

Жумладан, армияда ёшлар камида битта касб эгаси бўлиб чиқиши бўйича мутлақо янги тизим яратилади. Ҳарбий қисмлардаги асосий йўналиш ва мутахассисликлардан келиб чиқиб, аскарларни касбга тайёрлаш бўйича 3-6 ойлик дастурлар ишлаб чиқилади. Дастурни яқунлаган аскарлар малака имтиҳонидан ўтказилиб, уларга касб сертификати берилади.

Давоми 2-бетда ➡➡➡

### Расмий тайинлов

Акциядорлик жамияти раҳбариятининг буйруғига биноан:

**МАХМУДОВ Азизжон Баҳодирович** – “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг рақамлаштириш ва сунъий интеллект технологияларини ривожлантириш масалалари бўйича маслаҳатчиси;

**УБАЙДУЛЛАЕВ Тимур Комилжанович** – Ахборот – ҳисоблаш маркази бошлиғи;

**УСМАНОВ Ботир Эркинович** – Рақамлаштириш ва сунъий интеллект технологияларини ривожлантириш департаменти бошлиғи;

**НАРЗУЛЛОЕВ Қодир Қиличович** – Вагон хўжалиги бошқармаси бошлиғи;

**ТИРКАШЕВ Бобомурод Дилмурод ўғли** – “Қўқон минтақавий темир йўл узели” филиали бош муҳандиси вазифасини вақтинча бажарувчи;

**МАЖИДОВ Умиджон Рўзалиевич** – “Темирйўлинфратузилма” акциядорлик жамияти “Темирйўлинфратузилма махсус қурилиш” МЧЖ Қирғизистон филиали бошлиғининг кадрлар ва режим бўйича ўринбосари этиб

ТАЙИНЛАНДИ.

## ПОЕЗДЛАР СЕРҚАТНОВ ТЕМИР ЙЎЛ УЧАСТКАСИДА 8 КИЛОМЕТРГА ЯҚИН ПЎЛАТ ИЗЛАР ЯНГИЛАНДИ



### ПОЕЗДЛАРНИНГ ХАВФСИЗ, ТЕЗ ВА ТЕКИС ЮРИШИНИ ТАЪМИНЛАШДА ЭНГ АВВАЛО ИНФРАТУЗИЛМАННИНГ СОЗЛИГИ МУҲИМ АҲАМИЯТГА ЭГА.

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси ўринбосари А.Комилжоновнинг 2026 йил 7 январдаги 1-УН-сонли

ҳамда Жамият бош муҳандиси Ш.Қодировнинг 2026 йил 12 январдаги П-09/01-сонли фармойишлари асосида айни кунларда йўловчи



ва юк поездлари, шунингдек, “Afrosiyob” поездлари ҳаракатланадиган “Тошкент минтақавий темир йўл узели” филиалига қарашли асосий темир йўл участкаларида пўлат изларни капитал таъмирлаш ишлари амалга оширилмоқда.

2026 йилнинг 8 январь кунидан бошлаб 15 январь санасига қадар “Ўзбекистон” – “Янгийўл” ҳамда “Янгийўл” – “Пахта” станциялари оралиги жуфт йўлда қарийб 8 километр пўлат излар тубдан янгиланди.

Давоми 2-бетда ➡➡➡

СЕМИНАР

ЎТГАН ҲАФТА “ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ” АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ МАРКАЗИЙ АППАРАТИДА ИЖРО ИНТИЗОМИГА БАҒИШЛАНГАН ИҚТИСОДИЙ ЎҚУВ-АМАЛИЙ СЕМИНАР БЎЛИБ ЎТДИ.

Тадбирда “ijro.gov.uz” тизимида 2025 йил декабрь ойи якуни ва 2026 йилга қўйилган режалар ишлаб чиқилди.

Шунингдек, Жамиятга юклатилган Ўзбекистон Республикаси Президенти, Ўзбекистон Республикаси Президенти Администрацияси раҳбари ва Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси назорат топшириқларининг самарали ва тўлиқ ҳажмда бажарилиши муҳокама қилинди.

Шу билан бирга, “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси ва ўринбосарларининг “KPI” тизимидаги ишлар самарадорлигини баҳолаш бўйича 2026 йил учун белгиланган кўрсаткичларга муваффақиятли эришиши юзасидан тизимли вазифалар тўғрисида аниқ таклифлар ишлаб чиқилди.

## ИЖРО ИНТИЗОМИГА БАҒИШЛАНДИ



# МИЛЛИЙ АРМИЯМИЗ МИНТАҚА ТИНЧЛИГИНИНГ МУСТАҲКАМ КАФОЛАТИДИР

Янги йил байрами кўнларидан сўнг юртимизда яна бир муҳим сана 14 январь – Ватан ҳимоячилари кўни байрамини катта тантана билан нишонладик.

Ватан остонадан, инсон яшаб нафас олиб турган гўшадан, инсоннинг киндик қони тўкилган хонадон тупроғидан бошланади. Шу боис инсон илк бор нафас олиб, улғайиб вояга етган она заминга меҳр-муҳаббат ва садоқатда бўлиши, унинг ҳар бир ҳовуч муқаддас тупроғини кўзига тўтиёдек суртиши, унга нисбатан бир умр фарзандлик ҳисси билан яшаши унинг учун ҳам фарз, ҳам қарзидир. Ватанимиз тупроғидаги ҳар бир қарич ер муқаддас ҳисобланади. Шунинг учун аجدодларимиз юрт тупроғини кўзларига суртган, қаерга борсалар ҳам Ватан ёди билан нафас олган.

Маълумки, Мустақиллигимизнинг илк йиллариданоқ мамлакатимиз муҳофаазини кучайтириш масаласи давлатимиз сиёсатининг энг муҳим устувор йўналишларидан бири сифатида белгилаб олинган.

1992 йил 14 январь кўни эса мустақил давлатимиз тарихида яна бир муҳим тадбирга қўл урилди. Республика Олий Кенгашининг “Ўзбекистон Республикаси ҳудудида жойлашган ҳарбий қисмлар ва ҳарбий ўқув муассасалари тўғрисида”ги қарори билан мамлакатимиз ҳудудида жойлашган барча ҳарбий тузилмалар мустақил Ўзбекистон тасарруфига ўтказилди. Мазкур ҳужжат армиямизни ислоҳ қилишнинг узоқ муддатли дастури ишлаб чиқирилишига йўл очиб берди.

1993 йилнинг 29 декабрида 14



январь юртимизда “Ватан ҳимоячилари кўни” деб эълон қилинди. Ўзбек армияси тараққий этишида темир йўл транспорти тизимининг ҳам муносиб ўрни бор. Хусусан, Қуролли Кучларда қуроласлаҳа ва жанговар техникаларни ташиш ишлари темир йўл, ҳаво ҳамда автомобиль транспорт воситалари орқали амалга оширилади. Ўтган йиллар давомида темир йўл орқали ҳарбий техника ва қуроласлаҳаларни ташиш, станцияларга туташ ҳудудларда ҳарбий ўқув полигонларини ташкил этиб, соҳа ходимларининг жанговар тайёргарлигини оширишга катта аҳамият қартилмоқда.

Мамлакатимизнинг деярли барча ҳудудларидан ҳарбий хизматга кетаётган ва ҳарбий хизматдан қайтаётган ёшларимиз асосан темир йўллардан фойдаланишади. Темир йўлдаги барча ҳарбий қатнов ва ташишлар қатъий интизом ва тартиб билан амалга оширилмоқда. Ҳар йилги муддатли ҳарбий хизматга чақириш бўйича ишлар катта масъулият ва ҳар томонлама пухта ишлаб чиқилган режа асосида ташкил этилади. Ўта масъулиятли ва ҳар томонлама мукамал ташкил этилган жўнатиш ишларига бошқарма билан биргаликда бир қанча ташкилотлар, жумладан, “Ўзтемирйўловчи” акциядорлик жамияти, Қуролли Кучлар куч тузилмалари ҳамда ҳокимликларнинг ҳамкорликдаги сайёҳаракатларини алоҳида таъкидлаш ўринли бўлади.

Ёшларни ҳарбий хизматга кузатиш маросимларини тантанали ўтказиш ҳам ватанпарварликнинг бир қўриниши, десак ҳеч муболага бўлмайди. Ватанимиз, халқимиз тинчлиги ва осойишталигини ишончли ҳимоя қилиш, бугунги кунда ҳар бир йигит-қизнинг орзуси ва бурчига айланиб бормоқда.

Рустам ҲАЙДАРОВ

## МАМЛАКАТИМИЗ ҲАРБИЙ ХАВФСИЗЛИГИ ВА МУДОФААСИНИ ЯНАДА МУСТАҲКАМЛАШНИНГ УСТУВОР ВАЗИФАЛАРИ МУҲОКАМА ҚИЛИНДИ

Давоми. Бошланиши 1-бетда

Ҳар йили 5 минг аскар саралаб олиниб, “Бир миллион дастурчи” ва “Беш миллион сунъий интеллект етакчиси” дастурлари доирасида ўқитилади.

Аскарларга муддатли ҳарбий хизматни ўташ даврида ҳарбий қисмнинг ўзида олийгоҳга ўқишга кириш учун имтиҳон топшириш имконияти яратилади. Тест синовларидан муваффақиятли ўтиб, талабалikka қабул қилинган аскарлар муддатли ҳарбий хизмат аяқунлиниши билан олийгоҳда ўқишини бошлайди.

Шу билан бирга, армиядан қайтиб, олий ўқув юртларида таҳсил олмақчи бўлган ёшларга хорижий тил ва фан сертификати олиш харажатлари қоплаб берилади. Агар улар олийгоҳларга контракт асосида қабул қилинса, фойсиз таълим кредити ажратилади.

Бундан ташқари, армиядан қайтган ёшлар бандлигини таъминлаш бўйича ҳам алоҳида имтиёзлар берилади. Жумладан, тадбиркорлик билан шуғулланиш истиагиди ёшларнинг кредит харажатининг 6 фойизи давлат томонидан қопланади, давлат ташкилотларига ишга кирмоқчи бўлган ёшлар учун Бошқарув самарадорлиги агентлиги томонидан ўтказиладиган тест балларига 10 фойизлик имтиёз бериш амалиёти жорий қилинади. Хусусий секторда фаолият юритмоқчи бўлган ёшларга касбни эгаллаш ва сертификат олиш харажатлари тўлаб берилади.

– Бир сўз билан айтганда, “муддатли ҳарбий хизматни ўташ – ёшлар учун муваффақият йўли”га айланиши керак, – деди Президентимиз.

Муҳандислик-техник, киберхавфсизлик ва ахборот хуружларига қарши курашиш соҳаларида юқори малакали мутахассислар тайёрлаш энг муҳим масала экани таъкидланди. Шу боис, муҳандислик-техник йўналишдаги ҳарбий-ишлий базани мустаҳкамлаш, жойларда ҳарбий технопарклар ташкил этиш зарурлиги кўрсатиб ўтилди.

Ҳарбий хизматчиларнинг жанговар шайлигини янада мустаҳкамлаш билан бирга, уларнинг маънавий олами ҳам мунтазам бойитиб боришни замоннинг ўзи талаб этмоқда.

Бунда китобхонлик муҳим ўрин тутати. Шу боис, жорий йилда барча ҳарбий қисм ва муассасалар жами 1 миллион нусхадаги бадий адабиётлар билан таъминланади.

Қуролли Кучлар тизимидаги ҳарбийга йўналтирилган мактаб-лицей ўқувчилари, муддатли ҳарбий хизматчилар, курсантлар, сержант ва офицерлар ўртасида Олий Бош Қўмондон соврини учун китобхонлик танлови йўлга қўйилади. Округ, қўмондонлик, вазирилик, Олий Бош Қўмондон танловларида ғолиб ва совриндор бўлган аскарларнинг муддатли ҳарбий хизмати бир ойга қисқартириб берилади.

Ҳар йили ҳарбий хизматчилар ўртасида кўпқураш, қўл жанги, оғир атлетика каби спортнинг 10 дан ортиқ анъанавий турлари бўйича мусобақалар ўтказилмоқда. Энди жорий йилдан бошлаб киберспорт, дрон ва робот технологиялари каби замонавий спорт турлари бўйича уч босқичли мусобақалар ташкил этилади.

– Минтақавий ва глобал вазиятни доимий таҳлил қилиб бориш, миллий армиямизнинг салоҳиятини мустаҳкамлаш – бугунги кун талаби. Ўзбекистон армияси халқ ҳимоясига доимо тайёр туриши, бунинг учун тезкор, юқори технологияли, янги жанг шaroитларига мос бўлиши керак, – деди Президент.

Шу сабабли, қўшинларни сунъий интеллект асосидаги роботлашган мажмуалар ва учувчисиз тизимлар, енгил ҳарбий техника, замонавий қуроласлаҳа, разведка воситалари билан жиҳозлашга алоҳида эътибор қаратиш кераклиги кўрсатиб ўтилди.

Президентимиз мудофаа саноатини янада ривожлантириш, соҳа корхоналарида рақамли технологиялар ва сунъий интеллектни жорий этиш устувор вазифалардан бири бўлиши кераклигини қайд этди.

Давлат ва жамият ҳаётининг барча соҳаларини рақамлаштириш шaroитида киберхавфсизлиқни таъминлаш ва миллий рақамли инфратузилманинг барқарорлигини мустаҳкамлаш алоҳида аҳамият касб этади. Шу боис, мутасаддиларга шахсга доир маълумотлар ва рақамли тизимлар ҳимоясини таъминлаш бўйича комплекс чора-тадбирларни белгилаш топширилди.

– Ҳарбий хизматчилар меҳнатини қадрлаш, уларнинг оила аъзолари ва ҳарбий пенсионерларни ижтимоий ҳимоя қилиш доимо диққат-эътиборимиз марказида бўлиши зарур, – деди Президентимиз ва бу борада катта янгиликларни эълон қилди. Хусусан, 1 апрелдан бошлаб Мудофаа вазирилиги офицерларига кўп йиллик хизмати учун устима миқдори 2 қарра оширилади. Контракт асосида хизмат қилаётган оддий аскар ва сержантларнинг ойлик маоши 10 фойизга кўпайтирилади.

## ПОЕЗДЛАР СЕРҚАТНОВ ТЕМИР ЙЎЛ УЧАСТКАСИДА 8 КИЛОМЕТРГА ЯҚИН ПЎЛАТ ИЗЛАР ЯНГИЛАНДИ

Давоми. Бошланиши 1-бетда



– Поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш, раҳбарлар ва ходимлар томонидан меҳнат муҳофазаси талабларига риоя қилиниши ҳамда “окно” учун зарур бўлган техник воситаларнинг ўз вақтида тайёрланиши, ишларнинг бошланиши ва тугалланиши филиал ҳамда корхоналар раҳбарлари ва масъул ходимлари томонидан доимий равишда назорат қилиб боришда, – дейди “Тошкент минтақавий темир йўл узели” филиали бошлиғи ўринбосари Х.Джалалов.



Ушбу капитал таъмирлаш ишлари Тошкент темир йўл масофаси, 203-тажриба йўл машина станцияси ҳамда 17-сонли йўл машина станцияси корхоналари ҳамда Тошкент сигналлаштириш ва алоқа масофаси, Тошкент электр таъминоти корхоналарининг 150 нафарга яқин тажрибали мутахассислари томонидан амалга оширилмоқда.

Маълумотларга кўра, режага асосан жорий йилда филиал ҳудудидаги асосий темир йўл участкаларида жами 35 километр пўлат излар капитал таъмирланади.

Мирзо МУРОТОВ

ШИФОКОР МАСЛАҲАТИ



## БОЛА НУТҚИНИНГ КЕЧИКИШИ (БНК) ҚАНДАЙ ХАСТАЛИК?

Ҳар бир боланинг ривожланиш тезлиги турлича бўлади: баъзилар 10-12 ойлигидан “она”, “дада” деб гапира бошлайди, бошқалар эса 2 ёшда ҳам фақат имо-ишоралар билан тушунтиради. Муҳими – кечиккан нутқ боланинг айби эмас, ва бу ота-онанинг хато қилганини аналтмайди. Бу – шунчаки бола биров ортиқча қўллаб-қувватлашга муҳтожлигини билдирувчи белги.

### БНК НИМА?

БНК – болада нутқнинг ёшига хос бўлган босқичларига кечикиб келишидир. Масалан, 1,5 ёшда 10-15 та сўз бўлмаслиги, 2 ёшда икки сўздан иборат гаплар чиқмаслиги, бола гапирмасдан, фақат ишора ва овозлар билан тушунтириши, бу ҳолатда бола гапни тушунади, лекин уни айтиб бериши қийин кечади.

БНК болаларда қулоқ эшитишининг муаммолари, доимий ЎРВИ, аденонид билан хасталаниши, перинатал омиллар – ҳомиладорликда кечган қийинчиликлар ҳисоби, шунингдек, экранга боғлиқлик, оз мулоқот қилиш ҳамда нейроривожланиш хусусиятлари каби турли сабаблар тувфайли юзага келиши мумкин:

Бироқ кўп ҳолатларда аниқ бир сабаб бўлмаслиги ҳам мумкин ва бу нормал ҳисобланади.

### ОТА-ОНАЛАР НИМА ҚИЛИШЛАРИ КЕРАК?

1. Бола билан кўпроқ мулоқот қилинг. Яқин масофадан, боланинг кўзига қараб, сўзларни аста-секин, равшан талаффуз қилиб гапиринг. 2. Кун давомида шарҳлаш усули. Нима қилаётганини сўзлаб беринг: “Сув ичяпсан”, “Машина кетди”, “Мана кучук” ва ҳоказо. 3. Экран вақтини чекланг. 2 ёшгача – умуман мумкин эмас. 2 ёшдан кейин ҳам фақат 20-30 дақиқа.



4. Китоб ўқиб беринг. Расмли китоблар нутқ ривожини учун энг кучли стимул.

5. Оддий саволлар беринг. “Бу нима?”, “Қайси?” каби саволлар нутқни фаоллаштиради.

### ҚАЧОН МУТАХАССИСГА БОРИШ ЗАРУР?

Қуйидаги ҳолатлар бўлса, логопед, педиатр ҳамда невролог кўригидан ўтиш мақсадга мувофиқ: – 2 ёшда болада сўзлар деярли йўқ бўлса; – 2,5-3 ёшда гаплар қурмас; – қулоққа сўзлар хира эшитилгандек бўлса; – мулоқотга кам киришиш ҳамда исмига кам жавоб берса; – тенгдошлари билан ўйинга киришишга интилмас.

Нутқ 2 ёшда чиқмади дегани бу болада ташхис бор дегани эмас. БНК – бу тузатиб бўладиган ҳолат. Тўғри муҳит, тўғри мулоқот ва мутахассислар билан ишлаш орқали боланинг нутқни сезиларли равишда жадаллашади. Кўп болалар 3-4 ёшга келиб тенгқурларини қувиб этади.

Гулзода РЎЗИМБОЕВА, Йўл болалар касалхонаси невропатологи, нейрофизиологи



ХУДУДЛАРДАН ХАБАРЛАР

ПОЕЗДЛАРНИНГ ҲАРАКАТ  
ХАВФСИЗЛИГИ КЎРИБ ЧИҚИЛДИ

Ўтган ҳафта “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бош муҳандиси Ш.Қодиров бошчилигида тегишли масъул раҳбар ва мутахассислар иштирокида Тошкент – Ангрен ҳамда Тошкент – Самарқанд йўналишидаги Сирдарёгача бўлган темир йўл участкаларида поездларнинг ҳаракат хавфсизлигини ҳамда тез ва текис юришини таъминлаш имкониятлари кўриб чиқилди.



Сафар давомида “Тошкент-марказий” темир йўл вокзалига поездларнинг кириб чиқиши учун қулайликларни янада ошириш, кўприклар, қўшимча йўллар қуриш, стрелкали ўтказгичлар ўрнатиш каби кўплаб масалалар юзасидан мутахассисларнинг таклифлари ўрганилди.

“дУЗОР” СТАНЦИЯСИГА НАЗОРАТ  
САФАРИ УЮШТИРИЛДИ

“Қарши минтақавий темир йўл узели” филиали бошлиғи М.Мирзаев томонидан ҳаракат хавфсизлигини таъминлаш мақсадида “дузор” станциясига назорат сафари уюштирилди.



Сафар давомида станциядаги темир йўллар, станция навбатчисининг иш жараёни, электр ва реле



қурилмаларининг кунлик режа асосида бажарилиш ишлари ҳамда техник ҳужжатларни юритиш ҳолати бирма-бир кўздан кечирилди.

ТАДБИРКОРЛАР БИЛАН  
УЧРАШУВ БЎЛИБ ЎТДИ

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раисининг 1255-Н-сонли буйруғида белгиланган топшириқлар ижросини таъминлаш, тадбиркорлар билан ҳамкорлик муносабатларини мустаҳкамлаш, шунингдек, темир йўл транспорти орқали юк ташиш жараёнларини янада қулай ва самарали ташкил этиш мақсадида “Қарши минтақавий темир йўл узели” филиали раҳбари М.Мирзаев ҳамда тегишли масъуллар иштирокида дузор туманида фаолият юритаётган тадбиркор билан учрашув ўтказилди.

Унда тадбиркор фаолияти билан яқиндан танишиш мақсадида улар фаолият олиб бораётган саёнат зоналарида ўрганишлар олиб борилди.

ЁШЛАР БИЛАН ОЧИҚ МУЛОҚОТ ҲАМДА  
ХУДУДИЙ ЕТАКЧИЛАР КЕНГАШИ  
РАИСЛИГИГА САЙЛОВ ЎТКАЗИЛДИ

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси ўринбосари Ж.Юсуповнинг 2026 йил 8 январдаги 8-НЗ-сонли буйруғи ижросини таъминлаш мақсадида “Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти етакчилар Кенгаши раиси А.Умаралиев “Темирийўлинфратузилма” акциядорлик жамияти “Қўқон минтақавий темир йўл узели” филиалида хизмат сафарида бўлиб, ёшларга оид давлат сиёсатини узел филиали тизимида амалга ошириш, темирийўлчи ёшларнинг ижтимоий-иқтисодий муаммоларини ўрганиш, таҳлил қилиш, иқтидорли ёшларни қўллаб-қувватлаш ҳамда кадрлар захирасини шакллантириш масалаларида очиқ мулоқот ўтказди.



Учрашув ва ўрганиш жараёнларида “Қўқон минтақавий темир йўл узели” филиали бош муҳандиси вазифасини бажарувчи Б.Тиркашев ҳам иштирок этиб, ёшларнинг таклиф ва муаммоларини тинглади. Тадбир давомида “Қўқон минтақавий темир йўл узели” филиали ҳудудий етакчилар Кенгаши раиси лавозимига сайлов бўлиб ўтди.

ЎТГАН ЙИЛГИ ВАЗИФАЛАР САРҲИСОБ  
ҚИЛИНИБ, ЖОРИЙ ЙИЛГИ РЕЖАЛАР  
БЕЛГИЛАБ ОЛИНДИ

“Бухоро минтақавий темир йўл узели” филиали раҳбари томонидан Бухоро сигналлаштириш ва алоқа масофаси филиали корхонасида тегишли бўлим бошлиқлари иштирокида 2025 йил якунлари ва янги 2026 йилда амалга оширилиши лозим бўлган ишлар режаси юзасидан муҳокама йиғилиши ўтказилди.

Муҳокама йиғилишида Бухоро электр таъминоти масофаси филиали, Бухоро сигналлаштириш ва алоқа масофаси филиали ҳамда Бухоро темир йўл масофаси филиали раҳбарлари томонидан 2025 йилда қилинган ишлар ҳисоботи тингланиб, жорий



йилда поездлар ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ва иш унумдорлигини ошириш бўйича янги лойиҳалар ҳамда режалар юзасидан узел раҳбари томонидан керакли кўрсатмалар бериб ўтилди ҳамда чора-тадбирлар белгилаб олинди.

ТЕМИР ЙЎЛ КЎПРИГИДА ТАЪМИРЛАШ  
ИШЛАРИ БАЖАРИЛДИ

“Темирийўлинфратузилма” акциядорлик жамияти бош муҳандиси С.Асроровнинг 2026 йил 7 январь санасидаги 6-ЖДС-сонли фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида “Қўқон минтақавий темир йўл узели” филиали тасарруфидаги Андижон темир йўл масофаси филиали бошлиғи Б.Носиров бошчилиги-



да “Асака” – “Шахрихон” темир йўл станциялари оралиғининг 13+695 километрида жойлашган металл кўприкнинг ёғоч бруслари ни алмаштириш ишлари бажарилди.

\*\*\*

“Термиз минтақавий темир йўл узели” филиали тасарруфидаги Термиз темир йўл масофаси филиали бошлиғи О.Нормаматов бошчилигида ҳам “Шеробод” – “Ноушаҳар” темир йўл станциялари оралиғининг 4434-километр 4-пикетидан 4435-километр 5-пикетигача оғир турдаги йўл машиналаридан фойдаланган ҳолда темир йўлни капитал таъмирлаш ишлари бажарилди.

Барча жараёнлар учун “оқно” вақти ажратилган бўлиб, поездлар ҳаракати хавфсизлиги тўлиқ таъминланди. Раҳбар ва ишчи-ходимлар меҳнат муҳофазаси талабларига қатъий риоя қилган ҳолда ишлари амалга оширилди.

ИШЧИ ГУРУҲ ТОМОНИДАН ЎРГАНИШ  
ИШЛАРИ ОЛИБ БОРИЛДИ

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти бошқаруви раиси ўринбосари Э.Ризаевнинг 2026 йил 9 январдаги 3-УН-сонли фармойишига асосан “Қўқон минтақавий темир йўл узели” филиали бош муҳандиси вазифасини бажарувчи Б.Тиркашев бошчилигида темир йўллардан хавфсиз фойдаланишни таъминлаш мақсадида масъул раҳбар ва мутахассислардан иборат ишчи гуруҳ тузилди.



Мазкур ишчи гуруҳ томонидан “Қўқон минтақавий темир йўл узели” филиали тасарруфидаги “Қўқон” станциясида жойида ўрганиш ишлари олиб борилди. Ўрганиш жараёнида темир йўл остидан ўтказилган сув, газ, нефть, электр ва оқова сув қувурларининг техник ҳолати, техник “оқно” ажратмаган ҳолда бажарилаётган қурилиш-монтаж ишлари ҳамда янги қурилишларда хавфсизлиқни таъминловчи рельслар тўпламини қўллаш масалалари кўздан кечирилди.



Ўрганиш якунида аниқланган ҳолатлар бўйича далолатнома тузилиб, тегишли хулоса ва таклифлар ишлаб чиқилди ҳамда масъулларга зарур топшириқлар берилди.



PKP INTERCITY ЗАКУПИТ 20 ВЫСОКОСКОРОСТНЫХ  
ЭЛЕКТРОПОЕЗДОВ

Польский национальный оператор пассажирских перевозок в дальних сообщениях PKP Intercity объявил о начале процедуры закупки 20 электропоездов, рассчитанных на движение со скоростью до 320 км/ч, с опционом на приобретение дополнительно до 35 таких поездов. Контрактом также будет предусмотрено их техническое обслуживание в течение 30 лет в депо, которое построит поставщик.



Поезда планируется эксплуатировать на строящейся в Польше сети ВСМ (СРК), а также на маршрутах, связывающих польские города с Кёльном, Брюсселем, Парижем, Прагой и Веной.

К тендеру допускаются компании, которые в течение 7 лет до момента подачи заявки изготовили и поставили покупателю не менее пяти двухсистемных электропоездов для движения со скоростью до 250 км/ч, допущенных к эксплуатации в одной из стран ЕС, Швейцарии или Великобритании. Критериями оценки заявок станут показатель энергопотребления на одно пассажирское место, а также объем предпроектных расходов.

Закупка будет проходить по процедуре, аналогичной предшествовавшей заказу на 42 междугородных двухэтажных поезда у компании Alstom. Заявки принимаются до 29 апреля 2026 г., предпочтительный поставщик будет определен до конца этого же года, подписание контракта состоится до конца 2027 г.

Поезда должны быть оборудованы системой ETCS уровня 2 и рассчитаны на питание от контактной сети напряжением постоянного тока 3 кВ и переменного 25 кВ частотой 50 Гц. Все 20 поездов намечено поставить в течение 7 лет, а первые два поезда к 2032 г. – планируемой дате завершения строительства участка сети СРК, который свяжет Варшаву с аэропортом, центральным пересадочным узлом СРК и Лодзью. При реализации опциона все поезда PKP Intercity должен получить в течение 110 мес. Стоимость одного поезда, по оценке PKP Intercity, может составить около 29 млн евро.


DB ВПЕРВЫЕ АРЕНДУЮТ 25 ВЫСОКОСКОРОСТНЫХ  
ПОЕЗДОВ ICE 3NEO

DB Fernverkehr – оператор дальних пассажирских сообщений в составе железных дорог Германии (DB) подписал с консорциумом компаний BayernLB, DAL Deutsche Anlagen-Leasing (DAL) и Siemens Financial Services соглашение о финансировании сделки по поставке 25 новых высокоскоростных поездов ICE 3neo постройки Siemens Mobility. Поезда будут переданы оператору DB Fernverkehr в аренду на 10 лет по рамочному договору с DAL, финансовые средства в размере примерно 1 млрд евро предоставят BayernLB и Siemens Financial Services, которые привлекут в консорциум международные банки и частных инвесторов. DB Fernverkehr сможет эксплуатировать арендуемые поезда в пределах оговоренного срока и будет отвечать за их техническое обслуживание и ремонт в своих специализированных депо. Оператор впервые использует схему лизинга для пополнения парка высокоскоростного подвижного состава.



KNORR-BREMSE ПОГЛОТИЛА ТЕХНОЛОГИЧЕСКУЮ  
КОМПАНИЮ DUAGON

Концерн Knorr-Bremse закрыл сделку по приобретению швейцарской компании duagon – одного из ведущих поставщиков аппаратного и программного обеспечения для железнодорожного транспорта. Тем самым немецкий изготовитель усиливает позиции на рынке встроенных систем и электронных компонентов ЖАТ для бортового и напольного оборудования.



Компания duagon со штатом около 1000 чел., включая более 300 инженеров, с производственными предприятиями в Швейцарии и Германии, а также с офисами в восьми странах с развитыми железными дорогами продемонстрировала 15 % ный среднегодовой рост бизнеса в период с 2022 по 2025 г.

В 2026 г. ожидаемый уровень операционной рентабельности duagon (без учета расходов на интеграцию с Knorr-Bremse) должен составить 16 %. Суммарные доходы duagon и компании Selectron, которая также входит в состав концерна и специализируется на бортовых системах управления и телекоммуникаций, составят около 250 млн евро ежегодно при высокой доле прибыли.

По материалам интернета

ЎЗБЕКИСТОН ҲИНДИСТОН ЭКРАНЛАРИНИ ЗАБТ ЭТМОҚДА:  
ҚАДИМИЙ ШАҲАРЛАР МЕҲМОНЛАРНИ ЧОРЛАМОҚДА

Ўзбекистон қадимий меъморчилик обидаларининг мафтункор манзаралари, ранг-баранг бозорлар, кўркем шаҳарларнинг меҳмондўст кўчалари – энди буларнинг барчасини Ҳиндистон мегаполислари кўчаларидаги LED-экранларда томоша қилиш мумкин, деб хабар бермоқда “Дунё” ахборот агентлиги муҳбири.



Икки томонлама серқирра алоқалар йилдан-йилга мустаҳкамланиб бормоқда. Хусусан, Ўзбекистон ва Ҳиндистон ўртасида ҳафтасига 17 марта амалга оширилаётган авиақатновлар Тошкент, Деҳли, Мумбай шаҳарлари ва Гоа штати ўртасидаги парвозларни қамраб олган.

Ўзбекистон бугун ҳинд сайёҳлари учун оммабоп ва қулай йўналишлардан бирига айланиб улгурди.

2025 йилда кенг қўламли тақдирот кампанияси нафақат пойтахтни,

балки Мумбай, Калькутта, Бангалор, Ҳайдаробод ва бошқа шаҳарларни, шунингдек, машҳур дам олиш маскани бўлган Гоа штатини ҳам қамраб олди.

Дипломатик миссия томонидан ўтказилган “роуд-шоу” (road-show), семинар ва учрашувларда Ўзбекистон туризм соҳасида татбиқ этилаётган кенг қўламли ислохотлар ҳақида сўзлаб берилди. Мамлакатимизда яратилаётган замонавий инфратузилма, юқори даражага кўтарилаётган хизмат турлари ва хорижий меҳмонлар учун тақдим этилаётган янги ноёб йўналишлар алоҳида қайд этилди.

Бугунги кунда Ҳиндистон аҳолиси ва меҳмонлари томонидан томоша қилинаётган видеороликлар Ўз самарасини бермоқда. Самарқанд, Бухоро, Хива ва Буюк ипак йўлининг бошқа дурдоналарига бўлган қизиқиш жадал суръатлар билан ортиб бормоқда. Натижа эса яққол кўзга ташланмоқда – биргина ўтган йилнинг ўзида 80 мингдан ортиқ ҳинд сайёҳи меҳмондўст ва бетакрор Ўзбекистонни ўзлари учун кашф этди. Янги йилда ушбу кўрсаткичнинг салмоғи янада ошади.

ДОНОЛАР ХАЗИНАСИДАН

ХУДОНИНГ НАЗАРИ ТУШМАСА – ҲАММАСИ БЕКОР

Ёзувчиман деб айтиш мен яхши одамман дейиш билан баро-бар.

\*\*\*

Тарихда қоладиган мингдан, йўқ, миллиондан битта бўлади. Ижод кишиси ўзига энг ёруғ нарсаларни, дейлик, чақмоқни, яшини, вулконни тахаллус қилиб олиши, ўнлаб, ҳаттоки, юзлаб китоб ёзиши мумкин, лекин Худонинг назари тушмаса – ҳаммаси бекор.

\*\*\*

Адабиёт, умуман, ҳақиқий санъат – инсониятнинг тузалмас дарди. Ва унинг мезонлари ҳеч қачон ўзгармайди: оқ – қора, яхши – ёмон, адолат – қабохат, муҳаббат – нафрат...

\*\*\*

Шўро давридан бошлаб жамиятни ҳадик билан яшашга ўрғатиб қўйдик. Бу ҳадик ҳали кўнгилдан чиқиб кетгани йўқ. Ижтимоий-сиёсий пассивликини оқлайдиган ўзбек халқининг мақоллари кўп: “Оч қорним – тинч қулоғим”, “Яримта нон – роҳати жон”. Буларни фазилат санашади. Аслида бу фазилат эмас, қусур.

\*\*\*

Бизнинг вазифамиз – воқеликни бадиий идрок этиш, ҳолисона, босиқлик билан бадиий идрок этиш. Шўролар замонида ёзилган ва бугун яшаб келаётган кўпчилик яхши асарлар шу йўсинда битилган.

\*\*\*

...гап адабиётга киришда эмас, адабиётда қолишда. Бунда вақт ва маърифатли ўқувчидан ўзга ҳеч ким ва ҳеч нарса ҳақмлик қилолмайди.

\*\*\*

Одамнинг дардини, жамиятнинг дардини ёзган одам ютади.

\*\*\*

Одамзот озига шуқур қилиш керак. Ҳамма нарсага эришишнинг илоҳи йўқ. Битта яхши ҳикоя ёзсанг ёки ўқисанг, бир шеърдан таъсирлансанг шунга хурсанд бўл. Фақат бадбин бўлмасанг, ҳасадгўй бўлмасанг – бировнинг боғи сеникидан яхшироқ, яшилроқ туюлмаса бўлди.

\*\*\*

...миллий фахр борасида бизга етадиган миллат топилмаса керак. Тарихимизни мақтайвериб, назаримда, аждодларимиз руҳини ортиқ даражада безовта қилиб юбордик. Буюк ўтмишга меҳримиз шу қадар кучлики, баъзида бугунги кун эсимиздан чиқиб кетади.

\*\*\*

Ёзувчи салбий қаҳрамонни рўпарасига ўтқазиб қўйиб, бўралаб сўка бошласа, бас, ана энди Худо урди, девверинг! Ўқувчи салбий қаҳрамонни эмас, ёзувчининг ўзини ёмон қуриб қолади.

\*\*\*

Коэльо билан Муракамани катта ёзувчи, деб айтишади. Менимча, буюк ёзувчилар Маркес билан тугаган. Лекин Пауло Коэльо ёки Ҳаруки Мураками етишиб чиқиши учун ҳам муҳит керак. Бу жамиятнинг умумий саводи билан боғлиқ.

Мурод Муҳаммад ДўСТ

АДАБИЁТ – МИЛЛАТ КЎНГЛИДИР

Янгиланаётган дунё – покланаётган дунёдир. Янги адабиёт – янги сўз, янги тил деганигина эмас, балки янги дунё, янги изтироб, янги тафаккур, янги юксаклик дегани ҳамдир.

\*\*\*

...Гўзаллики қабул қилиш, завқланиш ҳар қандай ҳайрати сўнмаган одамнинг қўлидан келади, гўзаллик ҳаммани ҳайратга солиши мумкин, бироқ уни яратиш ҳамманинг ҳам қўлидан келар-вермайди.

\*\*\*

Миллатнинг эстетик савияси, диди давлат чегараси каби қаттиқ ҳимоя қилиниши шарт бўлган ҳудуд деб ўйлайман. Шу жумладан, бугунги китобхоннинг ҳам дидини ўлдирмаслик, уни бестселлерга ўргатмаслик, эрмак учун ўқийдиган китобхонга айлантирмаслик лозим.

\*\*\*

...Муҳаббат йўқ жойда тубанликка йўл очиб, жаҳолат севги да-рахтида эмас, адоват бутотида етишади.

\*\*\*

Адабиёт – миллат кўнглидир. У ана шу катта кўнгилда содир бўлаётган ўзгаришларни билиши, англаши, оғриши, завқланиши, қўлиниши, талласага тушиши керак. Ана шу англаш жараёни турлича кечади.

\*\*\*

Адабиёт – шафқатсиз. У бағрида томлар битгани эмас, юксак бадиий талабга жавоб берадиган ҳақиқий битта жумла ёзгани ҳам олиб қолади.

\*\*\*

Адабиётнинг азалий мавзуси инсон. Тўғри, у қаҳрамон қилиб олган инсон Замон билан, унинг муаммолари билан юзма-юз турган шахс. Адиб инсонни юзидан ва қалбидан балқиб турган замон билан яхлит ҳолда, замон билан муносабатга киришган ҳолатда, давр билан маънавий-руҳий типпа-тикликда тасвирласа ҳам, ба-рибир, кундалик мавзуларнинг изидан қувиб юриши шарт эмас.

\*\*\*

Ҳақиқий санъат ўрнини шоу-бизнес тафаккур тарзи эгаллаб олди. Енгил-елпиликка асосланган, савиясиз оломонга мўлжалланган, кўпроқ пул тўплашдан бошқа ҳеч қандай нияти бўлмаган бу “маданият” шу пайтгача шаклланган, аждодларимиз зеб берган дидимизни хатар остига қўяётгани ҳам рост.

Назар ЭШОНҚУЛ

СИЗ КУТГАН СУҲБАТ



Таниқли актёр, режиссёр ва бошловчи Ортиқ Нуриддинов 1978 йил 1 сентябрда Тошкент вилояти Зангиота туманида туғилган. Мактабни тамомлаб, 1999 йил Маннон Уйғур номидаги Тошкент давлат санъат институтининг “Актёрлик” бўлимини тамомлаган.

ОРТИҚ НУРИДДИНОВ:

“ОНАМ “БОЛАМ, СЕНИ ХАЛҚ ТАНИСИН”, ДЕБ ДУО ҚИЛГАНЛАР...”



Ижодий фаолиятини Ўзбекистон телерадиокомпаниясида “Табассум” ҳажвий эшиттиришида бошлаган. Кейин эса телевидение соҳасига кириб келиб, “Боложон” телеканали орқали томошабинларга кенг танилган. Оилали, уч нафар фарзанди ва бир нафар набираси бор. Айни пайтда “Мароқли ҳордиқ” хусусий театрида режиссёр ва дубляж актёри сифатида фаолият юритиб, драма ва комедия жанрларида самарали ижод қилаётган сер-кирра санъаткор ҳисобланади. Барчамизга “Қодирхон” сериали орқали яхши таниш бўлган Ортиқ Нуриддинов билан “Темирйўлчи” газетаси учун мазмунли ва сими-ий суҳбат уюштирдик.

– **Илк ижодингизни қайси йўналишда бошлагансиз?**  
– Илк ижодимни комедия жанридан бошлаганман. У пайт-ларда кассеталар оммалашган эди, кўпроқ Мирзабек Холмедов-нинг чиқишларини тинглардим ва шу йўлни танлаганман. Кейинчалик Тошкент давлат санъат институти талабасига айландим. Мирзабек ака олдиларига бориб, улардан кўплаб қимматли масла-хатлар олганмиз. Устоз деб бил-ганмиз, ҳозир ҳам устоз деймиз. Шунингдек, рус қизиқчилигига ҳам қизиққанман. Евгений Петро-ский, Михаил Задорнов ва бошқа машҳур рус қизиқчиларининг чи-қишларини тинглаб, имконим бо-рича латифаларини ўзбек тилига таржима қилиб, томошабинларга етказганмиз.

– **“Қодирхон” сериалидаги Баҳром образи сизнинг ҳаё-тингизга қанчалик яқин?**  
– Бу саволни беришингизни билардим. Чунки мени халққа танитган, машҳур қилган сериал айнан “Қодирхон” сериали бўлди. Унда ижро этган қаҳрамоним – Баҳром образи менга жуда яқин. Аввало, унинг жиддийлиги, ҳаёт-да ҳам мен жиддийроқ инсонман. Уша даврда саҳнада асосан ко-медия жанрида фаолият юритиб, қизиқчилик қилардик, бироқ бу образда имкони борича жиддий бўлишга ҳаракат қилганман. Ик-кинчидан, Баҳромнинг ростгўйли-ги, учинчидан эса садоқатлилиги менга яқин. Мен ҳам ҳаётда яқин-ларимга имкони борича садоқат-ли бўлишга интиламан. Ёрдам қўлини чўзган инсонларга ҳами-ша садоқат билан муносабатда бўлишга ҳаракат қиламан.

– **Сериал сизнинг ҳаётин-гизда нимани ўзгартирди?**  
– Бу сериал ҳаётимни бутун-лай ўзгартириб юборди, десам муболаға бўлмайди. Чунки ор-зуларим, кам бўлса-да, амалга ошди. Озгина бўлса ҳам муҳлис-ларга танилдим. Энг асосийси, раҳматли онамнинг орзулари ушалди. Улар доимо: “Болам, сени халқ таниса эди”, деб дуо қилар эдилар. Афсуски, бу кун-ларни ўз кўзлари билан кўра олмадилар, шу юрагимда армон бўлиб қолган. Шунга қарамай, “Қодирхон” сериали ҳаётимни тубдан ўзгартирди ва ижодий тақ-диримда ўчмас из қолдирди.

– **Фарзанд тарбиясида ни-маларга кўпроқ аҳамият бе-риш керак деб ўйлайсиз?**  
– Фарзанд тарбиясида, авва-ло, унинг хулқига катта эътибор бериш керак. Энг муҳими – одоб-ахлоқли қилиб тарбиялаш. Қиз бо-лани ҳам, ўғил болани ҳам масъу-лият билан, талабчанлик асосида тарбиялаш лозим. Фарзандлар ота-онасини қандай инсон экани-ни амалда қўриши керак. Шунинг учун ота-она, аввало, ўзи наму-на бўлиши шарт. Фарзандларга садоқатли бўлишни, ростгўйлики-ни, одамларни алдамаслиқни, дўстлари, қўшнилари, таниш-би-лишлари ҳамда ота-онасига меҳ-рибон бўлишни ўқтириб бориш зарур. Албатта, мен фарзанд тарбияси борасида ҳали ўргана-диган жиҳатларим кўп, деб ҳисоб-лайман. Чунки ёшимиз ҳали катта эмас, бу борада тажрибали, ёши улуг инсонлар кўпроқ билишади. Фарзандларга талабчан бўлиш керак, аммо уришиш шарт эмас. Уларга қаттиққўллик эмас, назо-рат ва тартиб зарур. Фарзандни бекор қолдирмасдан, илмга, ҳу-нарга, турли тўғарақларга жалб қилиш керак. Кўпроқ ўқиши, дарс қилиши, дунёвий илмларни имко-ни борича чуқур ўргатиш керак.



– **Бугунги кунда нималар ғашингизга тегади, нималар эса хурсанд қилади?**  
– Бугунги кунда мени ғашим-ни келтирадиган ҳолат – тинч ва обод юртимизнинг, кундан-кунга

гўзаллашиб бораётган мамлака-тимизнинг қадрига етмайдиган инсонлардир. Тинчлик нэзмати-нинг аҳамиятини тушунмайди-ганларни кўрсам ёки эшитсам, албатта, кўнглим хира бўлади. Мени хурсанд қиладиган нар-салар эса санъатдаги ютуқлар, ёшларнинг муваффақиятлари, айниқса, спортчиларимиз қўлга киритаётган ғалабалардир. Юр-тимизнинг тобора гўзаллашиб, обод бўлиб бораётганини кўрсам, қалбим қувончга тўлади. Меним-ча, бу ҳолат ҳар бир ватандошни хурсанд қилади.

– **Актёрлик маҳоратида “самоконтроль”, яъни “учин-чи кўз” деган тушунча бор. Сизда ўзини назорат қилиш қандай ишлайди?**

– Актёрга энг кўп ҳалал бе-радиган омиллардан бири – бу ўзини ҳаддан ортиқ назорат қи-лишдир. Уни йўқотиш учун, ав-вало, инсон ўзини эшита билиши керак. Оғзидан чиқаётган сўзни қулоғи билан эшитиб, ҳис қилиб айтса, актёрдаги “учинчи кўз”, яъни ортиқча назорат ўз-ўзидан йўқолади. Қачонки, актёр ўзини назорат қилмаса, у саҳнада ҳам, камера олдида ҳам эркин ишлай-ди. Ролга тўлиқ кириб кетади. Ле-кин ҳаётга келсак, бу “учинчи кўз” керак бўлади. Яъни инсон ўзи-дан: “Мен нима қиляпман? Одам-лар мени қандай қабул қиляпти? Айтаётган гапим тўғрими?” деган саволларни бериб туриши зарур. Менинг фикримча, саҳнада ёки камера олдида ўз-ўзини назорат қилиш керак эмас. “Гапим ёқпти-ми, ролим қандай чиқяпти?” деб ўйлаб турса, бу ижрога салбий таъсир қилади. Бу айнан роль ўйнаётган пайтда шундай. Аммо ҳаётда, албатта, инсон ўзини на-зорат қилиши керак.

– **Ҳаётда сизга тўғри йўл кўрсатган, ишонган устозла-рингиз борми?**

– Мен учун биринчи устоз-лар – ота-онам. Кейин мактаб

давримда Шохиста онам биринчи бўлиб қўлимдан ушлаб, ёзиш-ни ўргатган устозим бўлишган. Институтда ўқиган йилларимда Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходими Шермат Ҳайит-боев, Исоқтой Жумановлар менга устозлик қилишган. Шунингдек, Ўзбекистонда хизмат кўрсатган артистлар Мирзабек Холмедов ва Толиб Ҳожиевларнинг ҳам меҳ-натлари катта. Охириги пайтлар-да эса ҳаётимга жиддий таъсир кўрсатган, кўп маслаҳат олган ус-тозларимдан бири Ўзбекистонда хизмат кўрсатган маданият ходи-ми, кўплаб хонандаларга қўшиқ-лар тайёрлаб берган, “Қодирхон”, “Журналист”, “Умид”, “Адвокат” сериалларининг гоа муаллифи, раҳматли Мусохон Нурматов бўлган. Асосан шу инсонлардан таълим олганмиз, маслаҳатлар олганмиз.

– **Поездга биринчи марта қачон чиққансиз ва Ўзбекис-тон темир йўллари ҳақида фикрингиз қандай?**

– Поездга биринчи марта қачон чиқганимни аниқ эслая олмай-ман. Болалигимда оиламиз билан жуда кўп вилоятларга борганмиз. Ўзбекистонимизнинг поезд қат-навидиан деярли барча ҳудудла-рида бўлганмиз. Ҳозир ҳам поезд-дан тез-тез фойдаланаман. Сўнгги йигирма тўрт йилдан бери йилига тахминан икки марта поездга чиқиб тураман. Сабаби, турмуш ўртоғим бухорлик, шунинг учун Бухорога бориб келишда асосан поезддан фойдаланамиз. Ўзбекистон темир йўлларининг хизматлари жуда юқори даражада. Нафақат шахсий сафарларда, балки тасвирга олиш жараёнларида ҳам бизга катта ёр-дам беришади. Шу муносабат би-лан барча темир йўл ходимларига ва “Ўзбекистон темир йўллари” раҳбариятига ўз миннатдорчили-гимни билдираман.

Аваз ОМОНОВ суҳбатлашди



МУАССИСЛАР:

“Ўзбекистон темир йўллари” акциядорлик жамияти, Ўзбекистон темирйўлчилари ва транспорт қурувчилари касаба уюшмиси Республика Кенгаши

Тахрир кенгаши:

Раматов А.Ж. Нарзуллаев З.Ф. Сабиров Қ.С. Юсупов Ж.З. Балтабаев А.А.

Бош муҳаррир Рустам ҲАЙДАРОВ

Мусахҳиҳ – Умида ТҶИЧИБОВЕВА

Саҳифаловчи – Гулзода БОЛТАЕВА

Фотомухбир – Ёқубжон МУРОТОВ

Манзилимиз: 100047, Тошкент ш., Амир Темур шоҳқўчаси, 4-уй.  
Бош муҳаррир: (71) 236-49-97 (4-49-97)  
Қабулхона: (71) 236-48-92  
Мухбирлар: (71) 236-48-71

Газета Ўзбекистон Матбуот ва ахборот агентлигида 0139-рақам билан 2007 йил 11 январда рўйхатга олинган.  
Газета тахририят компьютер марказида саҳифаланди  
ISSN: 2181-6158

Буюртма Г-134 Босишга топширилди: 19:30 1 2 3 4 5 6